КУТУБХОНАСИ

**2008 ЙИЛ, 3 ИЮНЬ, СЕШАНБА**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № **105** (11.166) | Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Қашқадарё вилояти ҳокимлигида вилоят ҳокимлиги, қатор ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда бола ҳуқуқларининг кафолати» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида ўтказилган семинарда симли-рақамли телефон алоқаси хизматларида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган таҳлиллар натижалари ҳақида сўз юритилди.**

**• «Мактаб таълимини ривожлантириш лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги 1501 та мактаб янги ўқув-услубий қўлланмалар ва ресурслар билан таъминланади.**

**• Термиз шаҳрида «Ўзавтосаноат Лизинг» компаниясидан лизинг асосида сотиб олинган 30 та «ISUZU» русумли автобус аҳолига хизмат кўрсата бошлади.**

**• Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Бутун жаҳонга — тинчлик» мавзусида болалар расмларининг республика кўрик-танлови ўтказилди.**

**• Андижондаги «Ўз Сем Юнг» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида янги пресслаш цехи ишга тушди. 60 нафар маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаган ушбу замонавий цехнинг очилиши қўшма корхонанинг ўн йиллик тантаналарига уланиб кетди.**

**• Наманган вилояти, Норин тумани пиллакорлари давлатга пилла сотиш бўйича мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажардилар. Тумандаги 4 мингдан ортиқ оила томонидан 4830 қути пилла етиштирилди ва қабул пунктларига 261 400 килограмм хом ашё топширилди.**

**•Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги банкларда хизмат қилаётган ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш ва такомиллаштириш мақсадида шаҳар спартакиадаси ўтказилди.**

**• Қорақалпоғистон республикаси Амударё тумани Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида биринчи навбатда аёллар ва ёшларни иш билан таъминлашга эътибор қаратилди. Туман ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш маркази, прокуратура, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу ярмаркада қатнашган талабгорлардан 82 нафари ўз йўналишлари бўйича иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

**• БМТ Хавфсизлик Кенгаши денгиз қароқчиларидан жабрланган мамлакатларга Сомали қирғоқларида қароқчиларга қарши курашишга рухсат бериш тўғрисидаги резолюцияни маъқуллади. Ҳозир Сомалида 9 нафар экипаж аъзоси билан гаровга олинган Голландияга қарашли кема ушлаб турилибди.**

**• Македонияда навбатдан ташқари парламент сайловлари бўлиб ўтди. Ҳали расмий маълумотлар эълон қилинмаган бўлса-да, бироқ, сайловда мамлакат Бош вазири Никола Груевский бошчилигидаги партия кўпчилик овоз билан ғалаба қозонганлиги таъкидланмоқда.**

**• Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбарияти Сурия ўзида МАГАТЭ ташкилоти текширувчиларини қабул қилишга розилик берганлигини маълум қилди. МАГАТЭнинг Сурияда ноқонуний тарзда ядро қуролларининг ишлаб чиқарилиши борасидаги текширув ишларини шу ойнинг ўзида ўтказиши режалаштирилмоқда.**

**• Кеча Покистон пойтахти Исломобод шаҳридаги Дания элчихонаси ёнида кучли портлаш юз берди. Миналаштирилган автомобилнинг портлатилиши натижасида саккиз киши ҳаётдан кўз юмди, 20 киши жароҳатланди. Ушбу қўпорувчилик ҳаракати муносабати билан Норвегия ўзининг Исломободдаги элчихонасини вақтинчалик ёпишини билдирди.**

**• Кеча Венгрия парламенти мамлакат ҳудудида транспорт авиациясининг стратегик базасини бунёд этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.**

**• Кеча АҚШнинг Юта штатидаги кўмир конида ер силжиши сабабли олти нафар кончи ҳаётдан кўз юмди.**

**• Мамлакат Ички ишлар вазирининг билдиришича, Непалнинг собиқ қироли Гьянендра саройни тарк этиб оддий фуқаро бўлишга розилик билдирган. Зеро, собиқ қирол мамлакатни республикага айлантириш тўғрисидаги конституцион ассамблеянинг қарорини қабул қилган. Маълумотларга кўра, Гьянендра Непал пойтахти Катманду шаҳрининг шимолида жойлашган ўзининг хусусий резиденциясига кўчиб ўтади.**

**• Австралия Ироқдан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кета бошлади. Жумладан, мамлакат жанубидаги Талил базасини 5 мингга яқин ҳарбий тарк этди. Ироқда ҳозирда жами мингга яқин австралияликлар қолди. Айтиш керакки, 2007 йил ноябрида мамлакат бош вазирлигига сайланган Кевин Радд сайловолди кампаниясида Ироқдаги ҳарбийларни олиб чиқиб кетишга сўз берганди.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 2 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙИЧА ЁРДАМЧИСИ РИЧАРД БАУЧЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

— Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлиги халқаро ва минтақавий сиёсатга доир, жумладан, трансмиллий таҳдидларга қарши кураш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид кенг кўламли масалаларни қамраб олади.

Икки томонлама муносабатларда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка устувор аҳамият берилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини элликдан зиёд ҳужжат, жумладан, 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ташкил қилади.

Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ҳамда ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш борасида ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Р.Баучер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Ф.Ш.АКБАРОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ – ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Фарида Шораҳимовна Акбарова** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,
2008 йил 2 июнь*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ЯНГИЛАШДА, СИФАТИНИ ОШИРИБ, РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА, ЭНГ МУҲИМИ, БУГУНГИ ХАРИДОР ДИДИНИ ТОПИШДА, ТАЛАБ-ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШДА ИЛҒОР ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЯНГИ АВЛОДИНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС.**




*Иқтисодиёт*

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Шу боис ҳам замон билан ҳамнафас ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг изланувчан тадбиркорлари бозорни чуқур ўрганиб, маҳсулот тайёрлаш, ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида цехларни юксак унумли чет эл дастгоҳ ва линиялари билан жиҳозлашга, уларнинг қувватидан самарали фойдаланишга, янги технологияларни фаолиятларига жорий этишга катта эътибор қаратишмоқда.

2004 йилдан фаолият юритаётган «TEHNOINVEST—ST» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси жамоаси саъй-ҳаракатлари орқали «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан ишлаб чиқараётган мебеллар сифати, импорт ўрнини босиши, кўркамлиги ҳамда бирмунча арзон нархи билан юртдошларимиз талабига жавоб бермоқда.

Ҳозирда мазкур корхонада 100 нафарга яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Эътиборли томони, уларнинг ўртача ёши 28 ни ташкил этади. Цехлар Швейцария, Германия, Италия каби давлатларнинг жаҳонга машҳур етакчи компанияларининг охирги авлодга мансуб технологиялари билан жиҳозланган ҳамда маҳаллий ёшларимиз уларни бемалол бошқармоқда. Бунинг учун эса юқоридаги компанияларнинг етакчи мутахассислари тажрибаларини ёшларга ўргатишади.

Замонавий —Европа стандартларига тўлиқ жавоб берувчи ошхона термалари, офислар учун мебеллар, шкаф-купелар, горкалар, ойна, шиша ҳамда темирдан тайёрланган мебеллар фақат ушбу корхона цехларида ишлаб чиқарилади, жамоа аҳлининг маҳорати



туфайли харидоргирлиги таъминланади. Жумладан, мижознинг хоҳишига кўра шкаф ва горкалар хонадоннинг умумий дизайнига мос равишда деворга ҳам ишлаб берилади.

Замонавий, сифатли хом ашёнинг барчаси Германия давлатидан келтирилади. Масалан, кумушранг ойналар, шаффоф шишадан замонавий безак берилган маҳсулотлар муҳташам бино, муассаса, хонадонларга ўзгача кўрк, ҳашам бағишлабгина қолмай, офисларда ҳам меҳнат унумдорлиги ошишига хизмат қилади.

Бугунги кунда ойна билан темирдан ранг-баранг чиройли мебель, жиҳозлар ишлаб чиқараётган жамоа аҳли доимий изланишда. Цехларда булардан ташқари, янги технологик линияда деярли ҳамма мавжуд қурилиш материаллари —мармар, гранит, сопол, бетон, темирбетонга ишлов берилади, шиша ҳамда ойналар ҳар қандай ҳажмда ( паркет, том, зонтлар, эшик, витрина, автомобиллар учун) қирқиб, ишлов берилади, безакланади.

Айниқса, тиббиёт муассасалари учун махсус—кўркам, қулай, экологик тоза (турли рангларда) мебеллар барча буюртмалар сингари сифатига асосий эътибор қаратилган ҳолда қисқа муддатларда тайёрлаб берилади.

Бозорни чуқур ўрганаётган корхона тадбиркорлари жорий йилда маҳсулотларини экспорт қилиш йўлида изланишяпти, бу борада кўплаб лойиҳалар устида қизғин иш юритишмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: корхонанинг илғор мебелсозлари хорижий, юксак самарали технологик линиялар, дастгоҳларни бемалол бошқаришади.**

*Шаҳар сайлов комиссияси йиғилиши*

## ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛДИ

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Илгари хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарорига асосан жорий йилнинг 29 июнь куни бешта сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови ўтказилади.

Шаҳар сайлов комиссияси йиғилишида ушбу сайлов кампаниясини қонунчилик талабига асосан ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан асосий тадбирлар календарь режаси тасдиқланди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини тегишли жойларда ташкил этиш учун сайловга йигирма беш кун қолганида округ сайлов комиссиялари тузилиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, шаҳар сайлов комиссияси томонидан Мирзо Улуғбек тумани бўйича — 9-Салар, 16-Ҳумоюн, Собир Раҳимов тумани бўйича — 23-Тансиқбоев, Ҳамза тумани бўйича — 34-Авиасозлар ва Шайхонтоҳур тумани бўйича — 45-Фурқат округ сайлов комиссияларини тузиш юзасидан қарор қабул қилинди ва уларнинг раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолари таркибидан иборат рўйхати тасдиқланди.

Йиғилишда ташкилий йўналишдаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

*(Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг таркиби 2-бетда берилмоқда)*

## Қисқа сатрларда

• **ЎТГАН** куни Бектемир туманидаги «Қуёшча нури» болалар ўйингоҳида туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида маҳаллаларда истиқомат қилаётган 240 нафар болажонлар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири «Бола кулса, олам кулади» деб номланди.

• **КЕЧА** Миробод туманидаги Абдулла Авлоний маҳалласида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, Ғафур Ғулом номидаги маданият уйи ҳамкорликларида «Болалар — бизнинг келажагимиз» мавзуида тадбир уюштирилди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги «Камалак» рақс дастасининг 3-6 ёшли аъзолари иштирокида «Рақслар жилоси» кўрик-танлови ўтказилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги Тарих институти олимлари томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига муносиб совға сифатида «Тошкент тарихи» деб номланган монография ва альбом нашрга тайёрланди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Адлия бошқармасида ҳуқуқшунослар, туманлар ФҲДЁ бўлимлари ходимлари иштирокида уюштирилган семинар ФҲДЁ бўлимларида никоҳ қайдномаларини қайд этишда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланди.

• **ШАҲРИМИЗНИНГ** Эски Жўва мавзеси ҳудудида Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир «Йўл қоидаси — умр фойдаси» деб номланди.

• **ТОШКЕНТДА** ўрмон хўжалиги тармоғи ходимлари, мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир «Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалигини ривожлантириш стратегияси» деб номланди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА "IT – ЖУРНАЛИСТИКАСИ СОҲАСИДА 2008 ЙИЛ УЧУН МИЛЛИЙ МУКОФОТ" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ.**

"InfoCOM.UZ" журнали томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танлов жорий йилнинг 12 май куни эълон қилинган эди. Ўтган даврда тўқсон бешта муаллиф томонидан икки юздан зиёд мақола топширилди. Улардан саксон еттитасигина www.uforum.uz форумида овоз бериш орқали танловнинг иккинчи турига ўтказилди.

"Мақола ёз – ноутбук эгаси бўл!" шиори остида ўтган танловдан кўзланган мақсад, ахборот технологияларини мамлакатимизда амалиётга тадбиқ этилиш масалаларини мақолалар орқали кенг ёритиш эди. Мақолаларга қўйилган шарт – улар илмий-оммабоп усулда ахборот технологиялари мавзусига бағишланган бўлиши керак эди.

Университетда ўтган тадбирда танлов ғолиблари эълон қилинди. Ғолиблар учта номинация бўйича тақдирланди. "Ахборот технологиялари соҳасида энг яхши мақола учун" номинацияси бўйича Елена Калинина "СМИ – реальные, вертуалные..." мақоласи учун биринчи, Ziyonet ресурс маркази ходими Хусейн Тангриев "Мактаб сайти қандай бўлиши керак?" мақоласи учун иккинчи ва Тошкент халқаро Вестминстер университети ўқитувчиси Самандар Атоев "Аукцион для домена UZ" мақоласи учун учинчи ўринни эгаллади.

"2008 йил ўқувчи ва талабалар ўртасида ахборот технологиялари тўғрисидаги энг яхши мақола" номинацияси бўйича биринчи ўрин университетнинг иккинчи босқич магистранти Элвира Сулеймоновага "Мобильная современность в Узбекистане и за его пределами" мақоласи учун, иккинчи ўрин Тимур Расуловга "Легализация ПО домашнего компьютера" мақоласи учун, учинчи ўрин университетнинг 3-босқич талабаси Василя Каримовага "Электрон имзонинг е-бизнесдаги аҳамияти, Ўзбекистонда жорий этилиши, истиқболлари ва ҳуқуқий асослари" мақоласи учун тақдим этилди.

Биринчи ўрин соҳибларига ASUS X50N ноутбуки, иккинчи ўринга шахсий компьютер ва учинчи ўрин эгаларига эса 150 минг сўмдан мукофот берилди.

"Ахборот технологиялари бўйича энг яхши мақола" қўшимча номинацияси бўйича Виталий Фиоктистов "Разведение ПК в домашних условиях" мақоласи учун биринчи ўринни эгаллаб, 200 минг сўм, "Легализация ПО домашнего компьютера" мақоласи учун иккинчи ўринни эгаллаган Тимур Расулов 100 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Шунингдек, йигирмата муаллифга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Танловга юборилган энг яхши мақолалар www.uforum.uz сайти ва "InfoCOM.UZ" журналида чоп этилади.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,
"Туркистон-пресс"**

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

# АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12 ва 44-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:**

## Мирзо Улуғбек тумани бўйича

**9-САЛАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Маркази — Тошкент мелиорация ва ирригация институти. Қори Ниёзий кўчаси, 39, т.237-19-71

**Раис**

**Исоқова Маъмура Мирсаидовна** — 99-мактаб директори

**Раис ўринбосари**

**Орифжонов Ойбек Мухамеджонович** — Тошкент мелиорация ва ирригация институти кафедра мудири

**Котиб**

**Каттахўжаева Турсунхон Ҳикматовна** — 9-оилавий поликлиника бош шифокори

**Аъзолар**

**Тожибоева Наргиза Собировна** — 419-мактабгача таълим муассасаси мудири

**Султонкулова Мукаррам Мамедовна** — «Оққўрғон-тезкор» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Саъдуллаев Сайфулло Лутфуллаевич** — туман якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўлими назоратчиси

**Мирсаидова Азиза Ҳамидовна** — 64-мактаб ўқитувчиси

**Жуманиязов Давлат Кенжаевич** — 18-мактаб ўқитувчиси

**Ризаева Шохиба Нуриддиновна** — 419-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

**16-ҲУМОЮН ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Маркази — Тракторсозлар маданият саройи. Буюк Ипак йўли кўчаси, 434, т.264-62-07

**Раис**

**Назарметов Маъмиржон Худойберганович** — «Тошкент трактор заводи» АЖ кадрлар ва ижтимоий-маиший масалалар бўйича директори

**Раис ўринбосари**

**Нурметов Шавкат Тожиматович** — «Тошкент трактор заводи» АЖ бўлим бошлиғи ўринбосари

**Котиб**

**Аҳмедова Мунира Ҳасановна** — 113-мактабгача таълим муассасаси мудири

**Аъзолар**

**Каримова Ноила Саидалиевна** — марказий диагностика поликлиникаси бўлим мудири

**Солиев Абдухолиқ Азизович** — «Тракторсозлар» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

**Ҳайитметова Мунира Тўғановна** — марказий диагностика поликлиникаси бўлим мудири

**Сидоренко Марина Абдулхаевна** — «Тракторсозлар» маданият саройи директори ўринбосари

**Ҳамидова Саодат Кургановна** — «Тракторсозлар» маданият саройи директори ўринбосари

**Мавлонова Татьяна Раҳимовна** — 279-мактаб ўқитувчиси

## Собир Раҳимов тумани бўйича

**23-ТАНСИҚБОЕВ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Маркази — Тошкент Банк касб-ҳунар коллежи. Мойқўрғон мавзеси, С.Эшонтўраева кўчаси, т. 228-76-99

**Раис**

**Йўлдошев Жўра Ғаниевич** — А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ректори

**Раис ўринбосари**

**Зияев Собир Дадабоевич** — А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти проректори

**Котиб**

**Каримова Гулнора Сапарбоевна** — Тошкент банк касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

**Аъзолар**

**Нурмуҳамедов Алишер Парпиевич** — туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори

**Раҳимхўжаев Норхўжа Сайфиевич** — туман халқ таълими бўлими мудири

**Аҳмедова Хурсанд Норқобиловна** — Қизил Ярим Ой жамияти туман кенгаши раиси

**Муҳамаджонова Лолахон Носировна** — 21-оилавий поликлиника бош шифокори

**Худойбердиев Зайниддин Явкочевич** — Тошкент Банк касб-ҳунар коллежи директори

**Дадабоев Фурқат Раҳмонович** — акциядорлик-тижорат Ипотека-банки Собир Раҳимов филиали бўлим бошлиғи

**Холматов Жалолиддин Ортиқович** —«Қорақамиш деҳқон бозори» МЧЖ директори

**Раҳимов Абдумавлон Рихсибоевич** — туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси

## Ҳамза тумани бўйича

**34-АВИАСОЗЛАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Маркази — Тошкент Авиасозлик касб-ҳунар коллежи. Паркент йўли кўчаси, 331, т. 296-58-20.

**Раис**

**Асқаров Хусан Кудратович** — «Фарм-Гласс» қўшма корхонаси директори ўринбосари

**Раис ўринбосари**

**Содиқов Отабек Хатамович** — «Энерготаъмир» акциядорлик жамияти директори ўринбосари

**Котиб**

**Зиямуҳамедов Баҳодир Исроилович** — Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари

**Аъзолар**

**Маҳмудов Илҳомжон** — «2-темир-бетон сервис» МЧЖ бош директори

**Пигарев Владимир Яковлевич** — шаҳар болалар маслаҳат-ташҳис маркази бош шифокори

**Аҳмедов Саъдулла Ҳамидуллаевич** — туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси

**Шермуҳамедова Нигора Тошпўлатовна** — 18-оилавий поликлиника бош шифокори

**Санаев Асат Савутович** — Тошкент Қурилиш касб-ҳунар коллежи директори

**Мадаминова Феруза Вахидовна** — 244-мактаб директори

## Шайхонтоҳур тумани бўйича

**45-ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Маркази — «Қоратош» маҳалла гузари. Қоратош мавзеси, А.Хўжаев кўчаси, 3, т . 245-62-55.

**Раис**

**Аминов Ҳасан Рашидович** — Республика Рассомчилик коллежи директори

**Раис ўринбосари**

**Файзиев Хусан Коногоатович** — «Чақар» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

**Котиб**

**Алимова Раъно Холбаевна** — 324-мактаб директори

**Аъзолар**

**Закирова Барнохон Қобилжоновна** — 324-мактаб ўқитувчиси

**Тоҳирова Ҳилола Патиховна** — «Гулобод» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Инағомова Мастура Илҳомовна** — 324-мактаб ўқитувчиси

**Алимова Мамура Умановна** — 324-мактаб ўқитувчиси

**Нажимов Элдор Деҳқонбоевич** — 324-мактаб ўқитувчиси

**Дадамуҳамедов Фасхитдин Гулямович** — Республика рассомчилик коллежи ўқитувчиси

**Исломшиков Зухриддин** — Республика рассомчилик коллежи ўқитувчиси

**Миржалолова Илмира Қобуловна** — Республика Рассомчилик коллежи ўқитувчиси

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси**
**А. АБДУРАХМАНОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 30 май*

*Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган.*

**Ислом КАРИМОВ**

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ АКС ЭТГАН ҲУЖЖАТ

**БИЗГА МАЪЛУМКИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН РЕАЛ ҲАЁТДА САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ ҲОЗИРГИ КУНДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРМОҚЧИ БЎЛГАН ҲАР БИР ДАВЛАТ УЧУН МУҲИМ ВАЗИФА ВА ЖАРАЁН БЎЛИБ ҲИСОБЛАНМОҚДА.**

Инсон ҳуқуқлари масаласи ҳар бир демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у давлатнинг қай даражада ҳуқуқий жиҳатдан ривожланганлигини кўрсатувчи мезон сифатида намоён бўлади.

2008 йилда халқаро жамоатчилик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун ва моҳиятига назар соладиган бўлсак, бу энг аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

БМТ томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бу тарихий ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотларнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тузилишига кўра муқаддима ва 30 та моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, қадр-қиммати, инсон шахсининг беназирлиги ҳамда эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ўз ифодасини топган.

Бу тарихий ҳужжатда БМТга аъзо бўлган давлатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўзаро ҳамкорлигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашнинг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган. Бошқача айтганда декларация халқаро ҳуқуқнинг замонавий, бош йўналишини белгилаб беради. У ҳар бир кишининг ҳар қандай мамлакатда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида холисона мушоҳада юритиш имкониятини кенгайтирди. Унда ишлаб чиқилган қоидаларга асосланган ҳолда ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қандай кафолатланганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси барча давлат ва халқлар амалга оширишга интилаётган инсон ҳуқуқларига доир халқаро меъёрларни ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиш зарурлиги муҳим вазифа сифатида қарайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга ошириладиган фаолиятлар йўналиши белгиланган бўлиб, унда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқлар мажбурий характерга эга бўлган бошқа барча халқаро ҳужжатлар учун ҳуқуқий ва фалсафий асос бўлиб хизмат қилади. Ўзининг мавқеи жиҳатдан бу декларация БМТ фаолиятида Ташкилот Низомидан кейинги иккинчи ўринда туради.

Бизнинг мамлакатимиз ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, инсон ҳуқуқлари масаласига жиддий эътибор бериб келмоқда ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими айнан мана шу муҳим масалага бағишланади. Унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида моддаларда баён қилинган. Конституция асосида қабул қилинган Кодекс ва қонунлар ҳамда Президент Фармонларида инсон ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор берилиб, ўзининг чуқур ифодасини топмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси айрим давлатларнинг миллий қонунчилигига таъсир этиб қолмасдан, шунинг билан бирга, у БМТ доирасида тузилган ва иш олиб бораётган ихтисослашган ташкилотларнинг фаолиятида ҳам муҳим роль ўйнайди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида шаклланган ғоялар кейинчалик халқаро майдонда қабул қилинган кўплаб ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий ва мантиқий ривожини топди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоният барча аъзоларининг бўлинмас ва бузилмас ҳуқуқларини ифодаловчи асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Бу ҳужжат қоидалари ва тамойилларини ҳаётга жорий этишда давлатларнинг масъулиятини ошириш, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, барча тараққийпарвар кучларнинг фаоллигини рағбатлантириш ҳозирги куннинг ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ҳар соҳада ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиб, халқимизнинг ва халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдига мақсад қилиб олган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни давлатнинг бош вазифаси қилиб белгилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий принциплари ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, миллий қонунчилигимизни шакллантиришда ўзининг аксини топган десак асло муболаға бўлмайди. Чунончи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 2-моддасида "Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур" деб белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ҳам "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб белгиланганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидалари ва принципларига мос келишининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X боби "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари" деб номланган 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминлайди" деб белгиланган.

Президентимиз таклифларига биноан 1995 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман институти ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг ташкил топиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари ва тамойилларининг республикамиз миллий қонунчилигида қанчалик ўз аксини топаётганлигидан, ўзининг ижобий ва амалий натижаларини бераётганлигидан яққол далолатдир..

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг кафолати бўлиб ҳисобланмоқда.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, ҳимоялаш асосий вазифалардан этиб белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонларининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янги босқичга кўтарди. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим ва тарихий босқичи, шубҳасиз, ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан олиб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши бўлди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир» деб белгиланган қоида ва тамойилини Ўзбекистон амалда таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давоми эканлигини қайд этиш лозимдир. Шунингдек, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш масаласининг ижобий ҳал қилиниши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қураётган Ўзбекистон Республикасини нафақат минтақада, балки, халқаро ҳамжамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши ҳамда уни реал ҳаётда амалга оширишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш борасида обрўси ва нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, бу борада биз ёш ҳуқуқшунослардан ҳам ўзимизнинг илмий ҳамда амалий билим ва тажрибаларимизни имкон борича ишга солиб ҳаракат қилиш талаб этилади.

Бу ислоҳотларни амалга оширишда биз ёш мутахассисларнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Айни мана шундай инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқот ишларини олиб боришимиз талаб қилинади. Бу бошланган ислоҳотларда ёш мутахассислар кузатувчи бўлиб эмас, балки, бевосита иштирок этиш орқали уларни давом эттиришимиз, ўзимизнинг илмий изланишлар жараёнида олган билим ва тажрибаларимиздан келиб чиқиб асосланган фикр, таклиф ва мулоҳазаларимизни умумлаштириб илмий хулосалар тавсия этиш, шунингдек, илмий ютуқларимизни эртанги кун учун эмас, балки, айни ҳозирги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб амалиётга татбиқ этишимиз лозимдир.

**Алишер АЛЛАМУРАТОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти "Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент**
**Жамолиддин АБДУРАҲМОНХЎЖАЕВ, ўқитувчи**

# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

**ҲОЗИРДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ АҲВОЛИНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА ГУРУҲЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ МУНТАЗАМ РАВИШДА ҚЎШМА РЕЙДЛАР ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.**

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспекторлари томонидан бир қатор координация текширувлари ўтказилган вақтда, жумладан, 2008 йилнинг март ойида «Совпластитал» ОАЖда ўтказилган режали текширув давомида корхона электр ускуналарининг техник ҳолати белгиланган қоидалар талабларига жавоб бермаслиги аниқланди ва бу ташкилотга нисбатан тегишли тарзда иқтисодий жарима қўлланилди. Шунингдек, корхонада куннинг ёруғ пайтида электр энергиясидан самарасиз фойдаланилаётгани аниқланди ва ташкилотга нисбатан 6087 сўмлик иқтисодий жарима қўлланилди.

Юнусобод туманида ташкилотлар ва аҳоли томонидан фойдаланилган электр энергияси қарздорлигини камайтириш борасида олиб борилган ишлар давомида қуйидаги қоидабузарликлар аниқланди.

«Ботир» корхонаси истеъмолчи сифатида электр ускуналарини ўзбошимчалик билан шартномасиз, пул тўловисиз энергия таъминоти ташкилоти тармоғига улаб олган.

Т.Абдуллаев хонадонида қуввати 1,2 квт га тенг электр ускуналари электр ҳисоблагичдан ташқари ўғирлик билан улаб олинган.

«Орипов» Х.К. истеъмолчи қурилиш майдончасидаги электр ускуналар ўзбошимчалик билан шартномасиз, электр ҳисоблагич энергия таъминоти ташкилоти тармоғига уланганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш бўйича кундалик назорат ишлари олиб борилмоқда.

Бу қоидабузар истеъмолчиларга нисбатан электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига асосан Юнусобод туман электр тармоқлари ходимлари томонидан керакли чоралар кўрилди ва қайта ҳисоб-китоблар қилинди.

**Э. ҚОДИРБЕКОВ,**
**С. ВАЛИХОНОВ,**
**Д. ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ходимлари**

*Иқтисодиёт*

# ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

**ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Пойтахтимизда 2003 йилдан фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Desk-invest» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Турли ўлчам ва ранглардаги металл черепицалар ҳамда том жиҳозлари (аксессуарлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона тайёрлаётган маҳсулотлари юқори сифати ва рақобатбардошлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Улар буюртма асосида харидор талабига ва хоҳишига кўра исталган ранг ва ҳажмларда тайёрланади.

Корхона цехларида ўрнатилган автоматлаштирилган технологиялар ишчи кучини тежаш имконини бермоқда. Шу боис, ишлаб чиқаришга оид бўлган барча технологик жараённи 30 нафарга яқин ишчилар бемалол бажармоқда, асосийси эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. 2007 йилда қарийб 4,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Жорий йилнинг тўрт ойида эса бу кўрсаткич 2,1 миллиард сўмни ташкил этди, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўттиз беш фоиз кўпайди.

«Desk-invest»чилар яратилган қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда экспортни амалга оширишни мақсад қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

# ЖОЗИБАДОР ҲАМДА БЕТАКРОР БУЮМЛАР

**ХАЛҚИМИЗДА АЗАЛ-АЗАЛДАН АМАЛИЙ САНЪАТ ДУРДОНАЛАРИ ОРАСИДА ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТИШИ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА. НЕЧА-НЕЧА АСРЛАРДАН БУЁН МИЛЛИЙЛИГИМИЗ РАМЗИ ҲИСОБЛАНГАН БИРИ-БИРИДАН ЧИРОЙЛИ, СЕҲРЛИ НАҚШЛАР КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛГАН НАҚШИНКОР БУЮМЛАР БУГУНГИ КУНИМИЗДА ҲАМ ЎЗ ЖОЗИБАСИНИ ЙЎҚОТМАГАНИ БОИС, БЕТАКРОРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.**

Ёш бўлишига қарамай ёғоч ўймакорлиги устаси сифатида эл назарига тушган Жасур Шербеков ҳам қалб кўри, меҳр-муҳаббати, ижодий меҳнати маҳсули бўлган эшиклар (бир, икки табақали), лавҳ, столча, курси, сандиқча, стул, устун каби санъат даражасига етказиб тайёрлаган маҳсулотлари кўрган кўзларни қувнатади, бир зумда гўзалликка ошно этади.

Ҳунарманд ҳар бир буюмни яратишга ижодий ёндошади, ёғоч (маҳсулот учун хом ашё: ёнғоқ, чинор, ўрик дарахтларидан) танлашдан бошлайди, уларга ўйиладиган нақшлар эса аввал қоғозга туширилади. Кўплаб жараёнларни ўз ичига олган мазкур юмуш сабр-тоқат, чидамни талаб қилишини алоҳида таъкидлаш ўринли. Устанинг изланишлари, маҳорати маҳсули бўлган 20 турдаги Шарқнинг гўзал жилосини кўз-кўз қилувчи буюмлари бир неча йиллардан буён кўплаб кўрик-танлов, ярмарка, санъат байрамларида намойиш қилиб келинмоқда. Улардан нафақат ҳамюртларимиз, балки кўплаб хорижликлар ҳам астойдил завқланганлари эътиборга лойиқ.

Уста аждодларимизнинг ўлмас меросини шогирдлари—қизиқувчан, уқувли, зукко ёшларга алоҳида меҳр билан ўргатиб, унинг сир-асрорларидан бохабар қилмоқда. Устанинг эзгу мақсади ҳунарини авайлаб-асраб ривожлантириш ҳамда уни жаҳонга янада машҳур қилиш.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009, май ТОШКЕНТ

# ГУЛЛАБ-ЯШНАШИГА ҲИССА ҚЎШАМИЗ

**ҚАДИМДАН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ ЙИРИК МАРКАЗИ, ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ БЎЛИБ КЕЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ ПОЙТАХТИ АЗИМНИНГ ЮКСАК НУФУЗИ ВА МАВҚЕИГА МУНОСИБ РАВИШДА НИШОНЛАШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛ 3 АПРЕЛДА «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

Айни кунларда ушбу Қарорнинг мазмун-моҳиятини юртимизнинг ҳар бир фуқаросига етказиш, қолаверса, кутлуғ юбилейга муносиб тайёргарлик кўриш юзасидан жойларда тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокимлиги, вакиллари Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ходимлари ва компаниянинг ишчи-хизматчилари иштирок этиб, юқоридаги қарор ижроси бўйича амалга ошириладиган ишлар ва тадбирлар режаси билан яқиндан танишдилар.

— Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур ва ифтихори бўлмиш азим пойтахтимизнинг миллий давлатчилигимиз тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир,—деди жумладан тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайёхон Пўлатова.

— Пойтахтимизнинг кутлуғ тўйини унинг юксак мавқеига муносиб тарзда нишонлаш ҳақидаги Юртбошимизнинг қарори муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди. Ушбу тарихий ҳужжатда Тошкентнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш хусусида сўз борадики, бу қадим шаҳарнинг ибратли кечмишини ўрганиш ва тарғиб этишда алоҳида ўрин тутади. Демак шаҳримиз янада чирой очиб жаҳон андозалари даражасидаги бинолар, азим кўприклар, боғу роғлар кўзни қувонтиради. Шундай экан бу кутлуғ ишга ҳисса қўшишимиз, ҳар биримиз шаҳримизнинг янада гуллаб-яшнаши учун кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига кенгроқ эътиборни қаратишимиз лозим.

Шунингдек, тадбирда сўз олган тарих фанлари номзоди Акром Акмалов пойтахт тарихи ҳақида алоҳида тўхталиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 8 апрелдаги «Турар жой ва улар атрофидан оқилона фойдаланишни таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва туман ҳокимининг шу қарор ижроси бўйича қилинадиган ишлар кўлами ва ўтказиладиган тадбирлар ҳақидаги қарори бўйича батафсил маълумот бериб ўтди.

Тадбирда иштирок этган «Ўзкимёсаноат» ДАК ишчи ходимлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб, шаҳримизнинг кутлуғ тўйини муносиб ҳисса қўшган ҳолда кутиб олишларини билдирдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯҚИН ОЙЛАР ИЧИДА ЖАҲОННИНГ ЙИРИК АВИАТАШУВЧИЛАРИ ХАЛҚАРО АЛЬЯНСИ (SKY TEAM)ГА АЪЗО БЎЛАДИ.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» «SKY TEAM» АЪЗОСИ БЎЛАДИ

—Яқинда биз аъзо бўлган Халқаро авиаташувчилар ассоциацияси (IATA) томонидан сафарбар этилган халқаро мутахассислар компаниямизни аудиторлик текширувдан ўтказишди, —дейди авиакомпания бош директори Валерий Тян. —Улар биз «Sky Team» га аъзо бўлишимиз учун йигирмага яқин жузъий камчиликларимизни бартараф этишимиз лозимлигини таъкидлашди. Ўйлайманки, жамоамиз йил сўнгигача бу вазифани уддалай олади.

Бош директорнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Халқаро альянсга аъзо бўлиши ташкилот раҳбарлари томонидан шу йилнинг куз фаслида узил-кесил ҳал этилади. Ушбу нуфузли ташкилотга аъзолик эса авиакомпания учун мавжуд ҳаво йўналишлари ва рейслар сонини оширишга, йўловчиларга кўрсатиладиган хизмат сифатининг янада яхшиланишига замин яратади.

Миллий авиакомпаниянинг йилига икки миллиондан зиёд йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси жаҳон андозасига тенглашгани «Sky Team» раҳбарлари томонидан эътироф этилиб, аъзоликка таклиф этилган эди.

**«Туркистон-пресс»**

# САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

**“ЭКОСАН” ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИДА ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда “Экосан” томонидан “Экология ва саломатлик кунлари”нинг биринчи босқичи – март-май ойларида амалга оширилган ишлар, тадбирлар якунлари ҳамда иккинчи босқич – июнь-август ойларида бажарилиши белгиланган мақсад ва вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланишича, сўнгги юз йил ичида ер шарида ўртача глобал ҳарорат 0,74 градусга ошди. Глобал иқлим ўзгариши турли офатларга сабаб бўлиши билан бирга, инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон ҳудудининг 80 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат. Иқлимнинг ўзгариши тупроқ деграцияси ва унумдор ерлар ҳосилдорлигининг пасайишига сабаб бўлаётир. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигига иқтисодий зарар етказаётир.

—Ушбу мураккаб вазиятни ҳисобга олиб 1-босқич тадбирлар дастурига долзарб масалалар қамраб олинган экофорум ва экофестиваллар, учрашувлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар, ҳашарлар ва экомарафон ҳамда “Она ер - ёшлар қўлида”, “Менинг уйим – менинг шаҳрим” каби танловлар режаси киритилган эди, — деди “Экосан” халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов.– Махсус дастур асосида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасига инсонпарварлик юки юкланган ўн битта саломатлик поездлари юборилди. Ҳашар йўли билан пойтахтдаги тўрт мингга яқин зиёратгоҳлар обод этилди, бир минг километр узунликдаги ариқ ва зовурлари тозаланиб, юзга яқин боғлар барпо этилди.

Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, “Экология ва саломатлик кунлари”нинг 2– босқичи 5 июнь- “Бутунжаҳон атроф-муҳит куни”га бағишланади. Унга мувофиқ “Санитария, гигиена ва экологик маданият декадаси” тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган экологик ҳашар, расмлар кўргазмаси, учрашувлар, экофестиваллар ташкил этиш режалаштирилган.

Йиғилишда вазирликлар, саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА, “Туркистон-пресс”**

*Таълим-тарбия масканларида*

# ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ҚАТОР САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЗЕРО БОЛАЛАР КЕЛАЖАКНИНГ БАЛҚИБ ТУРГАН ЁРҚИН ҚУЁШИГА ЎХШАЙДИЛАР. УЛАР ТУФАЙЛИ КЕЛАЖАК ЙЎЛЛАРИ НУРАФШОН ВА ЁҒДУЛИ КЎРИНАДИ.**



Шаҳримизнинг кенжа туманларидан бири ҳисобланган Бектемир туманидаги 575-боғча-мактаб мажмуаси ҳақида туман халқ таълими бўлими мутасаддилари бирдай илиқ фикр билдирдилар.

Дарҳақиқат мазкур даргоҳ ўқувчилар ва болажонларнинг севимли масканидир. Бугунги кунда бу ерда жами 106 нафар болажонлар таълим-тарбия олаётган бўлиб, шундан 70 нафардан ортиғини мактабгача тарбия ёшидаги болалар ташкил этади, қолгани эса 1-4 синфлар ўқувчиларидир.

— Таълим муассасамизда болажонлар ва ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар кўнгилдагидек яратилган,—дейди 575-боғча-мактаб мажмуаси директори Насиба Низомова. —Биринчи синфдан тўртинчи синфгача бўлган ўқувчиларнинг таълим олишлари учун мажмуамиз замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражада жиҳозланган. Янги педагогик технология ва байнер усулларида дарслар ва машғулотлар олиб борилади. Иқтидорли ўқитувчиларимиздан Гулжаҳон Холматова, Арофат Кенжаева, Лайло Эшонова, Гулноза Фаттоҳова маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Гулнора Холиқовалар ўз соҳаларининг билимдонлари ҳисобланадилар. Улар болажонларнинг иқтидори ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда машғулотлар ўтказиб сабоқлар бериб борадилар. Шунингдек, ўқув муассасамизда турли хил тадбирлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказиб турилади. Ёш авлод камолоти йўлида ақлни чархлайдиган, фикрни теранлаштирадиган кўнгилочар ўйинларнинг уюштирилиши эса болажонларнинг иқтидори ва истеъдодини шакллантириб боради.



Ҳа, дунёда ўқитувчилик ва мураббийликдан ҳам шарафлироқ ва заҳматлироқ касб бўлмаса керак. Зотан, бу касб эгаларининг бор саъй-ҳаракатлари ёш авлод таълим-тарбияси йўлига бағишлангандир.

Мазкур боғча-мактаб мажмуасида таълим ва тарбия олаётган болажонлар ёш бўлишларига қарамай қатор ютуқларни қўлга киритиб улгурдилар. Уларнинг аксарияти бир неча бор кичик фан олимпиадаларида ғолиб бўлсалар, баъзилари спорт мусобақаларида совринлар билан тақдирланганлар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: 575-боғча-мактаб мажмуаси ҳаётидан лавҳалар**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ХАЛОСКОР ЙИГИТГА РАҲМАТ

Бекатда автобус кутиб турардик. Ўтирғичда омонатгина ўтирган ёшгина аёл билмадик, иссиқ элитдими ёки юрак хуружими тўсатдан ёнида ўтирган йигит томон ўзини ташлаб юборди. Йигит чаққон ҳаракат билан аёлнинг бошини кўтарди. Белидан қучиб ўтирғичга бўйбасти билан ётқизиб қўйди. Кимдир аёлга сув тутди, юзига сепди. Бекатдан сал нарида сигарет тутатиб турган йигит (аёлнинг эри бўлса керак) шу томон югуриб келди-да, аёлга ёрдам кўрсатаётган йигитга ўшқира кетди.

— Нега хотинимнинг белидан қучасан?

Бу сўровдан ҳамма лол қолди. Халоскор йигитнинг ноҳақдан ноҳақ сўровга тутилиши воқеа иштирокчиларининг энсасини қотирди.

— Ҳой, укажон, — деди катта ёшдаги отахон,— сен аввал хотинингнинг аҳволидан хабар олсангчи, бечора бир ҳолатда ётибдику. Сен бўлсанг унга беминнат ёрдам кўрсатаётган йигитга ёпишасан.

— Сиз аралашманг ота. Ўзгаларнинг аёлига кўз олайтирадиган бунақа олифталарни кўп кўрганмиз.

Шу топда айбсиз айбдор йигит нима қилишини билмас, бир одамларнинг ёрдамига қарамай тобора ўзидан кетиб бораётган аёлга термулар, бир унинг эрига нафрат билан қараб ҳайронликда турарди. Аёлнинг эри эса мутлақо хотини билан иши йўқ, фақат халоскорни ҳақоратлагани ҳақоратлаган эди.

Бекатдаги аёллар бақириб-чақириб қолишди.

— Қанақа одамсизлар ўзи? Талашиб-тортишгандан кўра бечорани тезроқ шифохонага олиб борсаларингчи.

Халоскор йигит аслида киракаш ҳайдовчилардан экан шекилли аёлнинг эрининг аччиқ гапларига қарамай сал нарида турган машинанинг орқа эшигини чаққон очди-да, аёлни даст кўтариб, машина ўриндиғига ётқизди. Ҳеч кимга қарамай, моторни ўт олдириб, касалхона томон рулни бурди. Аёлнинг эри серрайганича машина орқасидан қараб қолди.

— Яхшиликни билмаган номард йигит экансан, — деди кимдир. —Етти ёт бегона бир одам югуриб-елиб хотинингга ёрдам кўрсатяптику, сен унга миннатдорчилик билдириб, ёрдамлашиш ўрнига бўлмағур гапларни гапириб ўтирибсан-а. Ҳеч бўлмаса хотининг ёнига ўтириб касалхонага бирга борсанг бўлмасмиди?

Йигит индамади, у шу топда қилмишидан пушаймонмиди ёки одамлар нафратидан лол қолдими, бироз ўйланиб турди-да, кейин машина кетган томонга тез-тез юриб кетди.

— Рашки кучли эркаклардан эканда, — деди уни биров ҳимоя қилгандек.

— Рашк ўлсин шунақа бўлмай. Ахир аёли ўлим билан олишиб ётибдику, у бўлса хотинига қарамай, бунинг ўрнига бегуноҳ йигитни ҳақоратлашдан бўшамайди.

— Вой тавба, шунақа рашкчи эркаклардан ўзи асрасин, — деди аёллардан бири.

— Тағин ҳам халоскор йигит анча ориятли экан. Шунча гап-сўзларга қарамай, аёлдан ёрдамини аямади-я.

Бекатга келиб тўхтаган автобус ҳаммани ўзига чорлади. Ҳозиргина ғала-ғовур бўлиб турган бекат бир зумда тинчиди, қолди.

## НОШУКР БЎЛМАНГ

Йўл юрган одамга гап топилади. Бири-биридан қизиқ воқеаларнинг гувоҳи бўлади. Нотаниш ҳамроҳим айтиб берган воқеа анчагина хаёлимни банд этиб юрди. Ниҳоят балки кимларгадир ибрат бўлар деган мақсадда уни қоғозга туширдим.

Алижон уйига келса ҳовлида ҳеч ким йўқ. Уйни очиқ-сочиқ қолдириб, онаси, хотини қаёққа кетишибди экан? Аёлининг ой-куни яқин эди, туғруқхонага кетишибдимикан? Шундай хаёллар билан турганда эшикдан ҳовлиқиб қўшни хотин кириб келди.

— Келдингми болам? Тез югур, хотинингни туғруқхонага олиб кетишди.

Алижоннинг янгиликдан ақли шошиб қолди. У дарҳол ҳовлини қўшни хотинга топшириб шошилинч чиқиб кетди. Туғруқхона эшиги олдида уни қаттиқ ҳаяжонда турган онаси кутиб олди.

— Келинимнинг аҳволи оғир. Тўрт соат бўлди, кўзи ёримайди. Шифокорлар болани жарроҳлик йўли билан оламиз дейишяпти. Энди нима қиламиз болам. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган-а. Ишқилиб омон-эсон қутилиб олсинда келиним.

Она-бола ўзини қўярга жой топа олмасди. Ичкаридан чиққан оқ халатли инсон борки югуриб олдига боришар, ундан сўраб-суриштиришарди. Билган уларга тасалли берар, билмаганлар елка қисиб ўтишарди. Орадан бир соат, икки соат ўтди ҳамки, ҳамон дарак йўқ. Аллапаллада ичкаридан таниш ҳамшира чиқди.

— Жарроҳлик анча оғир кечди хола. Ҳар қалай умри узун экан, келинингиз ҳам, набирангиз ҳам омон қолди.

Онаизор ҳамширани тўхтовсиз дуо қила кетди. Кейин сўради: «Боласи ўғилми, қизми? Унга бирон зиён-заҳмат етмадими ишқилиб?».

— Бола соғлом, сизга набира қиз муборак бўлсин. Бу йигит боланинг отасими? — сўради ҳамшира Аҳмаджонга қараб. Кампир ҳа ишорасини қилгач, ҳамшира Аҳмаджонни янги меҳмон билан табриклади.

Аҳмаджон индамади, кейин деди:

— Яна қизми, бу сафар ўғил туғасан, деб тайинлаган эдимку хотинимга.

— Унақа дема болам, Яратганнинг бергани шу бўлса на илож. Ишқилиб ўғилми, қизми фарзанд бўлгани яхшида. Одамлар тирноққа зор, шукр қил болам. Қизни берган Оллоҳим куни келиб ўғил ҳам бериб қолар.

Ёш отанинг қилмишидан ҳамшира ҳайрон эди. Аёли бечора уч-тўрт соат ўлим билан олишди. Кимларнингдир бахтига омон қолди. Эри эса хурсанд бўлиш ўрнига, хотиним ўғил туғмабди, деб ранжиб турса-я. Нима бунақа истак ёлғиз аёлнинг қўлидамиди, эрининг айтганини бажо келтирса.

Онасининг тасаллисими, ҳамширанинг гаплари таъсир қилдими, Аҳмаджон бироз чимирилиб турди-да кейин кескин бурилиб чиқиб кетди.

Ҳафта ўтиб келин-набира қизалоқ онаизорнинг бағрида уйга қайтишди. Аҳмаджон уларни олиб келгани бормади. Бир нарсани сезгандек келин ташвишланиб сўради.

— Ойижон, ўғлингиз яхши юрибдиларми?

— Юрибди болам, юрибди. Ҳа энди угинанинг одатини биласизку.

Эшитишимча Аҳмаджон ҳозир ҳам хотиним ўғил туғмади деб тўнини тескари кийиб юрганмиш.

Эҳ, ношукр банда. Бу қилмишинг учун бир кун минг бор пушаймон бўлишингни наҳот билмасанг.

# Сўранг, жавоб берамиз

**Суғурта нима? У қандай ҳолларда тузилади? Унинг мажбурият ва афзалликлари ҳақида маълумот берсангиз.**

**Нуриддин Раҳматуллаев, Юнусобод тумани.**

**Ушбу савол юзасидан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора нотариуси ( ҳуқуқшунос) Саида МАҚСУДОВА жавоб беради.**

Суғурта фуқаро ёки юридик шахс ( суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузиладиган мулкий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкини ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол- мулкини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

Мулкий суғурта шартномаси тузилганда муайян мол-мулкнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши,

бошқа шахсларнинг ҳаёти,соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда ,

тадбиркорликнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи туғилганда тузилади.

Шахсий суғурталаш шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади.

Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси) нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шаклларини қўлланишига ҳақли.

Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради. Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта—суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулкнинг мажбурий давлат суғуртаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Мажбурий давлат суғуртаси ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Мажбурий давлат суғуртаси бевосита суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида унда кўрсатилган давлат суғурта ташкилотлари ёки давлатнинг бошқа ташкилотлари (суғурталовчилар) томонидан амалга оширилади.

* * *

**Гаров тушунчаси нима? Унинг вужудга келиши ва қандай ҳолатда тузилиши ҳақида маълумот берсангиз.**

**Сожида Абдужабборова. Мирзо Улуғбек тумани**

**Ушбу саволга Чилонзор туманидаги 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси ( ҳуқуқшунос) Сайёра Мадалиева жавоб беради.**

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқий мажбуриятларини таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс(гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига,қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин, ҳақли бўлади.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиён етказганлик учун суғурта ҳақидан,бу мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинган бўлишидан қатъи назар,ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли,башарти мол-мулкни йўқотиш ёки унга зиён етказиш гаровга олувчи жавобгар бўлган сабабларга кўра юз берган бўлмаса.

Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзага келади.

Гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амалга оширилиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров бўлиши мумкин,муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

Фуқароларнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкини қўйиш қонун ҳужжатлари билан ман этилиши ёки чекланиши мумкин.

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд, башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса-нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Башарти, гаров объекти қонунга ёки шартномага асосан гаровга қўювчида бўлиши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтдан, башарти бундай топшириш шартнома тузилишидан аввал амалга ошган бўлса — шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Ипотека тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол- мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу модданинг тегишли қисмларидаги қоидаларга амал қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Спорт янгиликлари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## УМАР ҲАЙЁМ

### ҲИКМАТЛАР

**Агар шер кулкусига учса оху,**
**Қилич сори борар ўз ройи-ла у.**

* * *

**Нечук гул, бўлмаса хушбўйи они,**
**Учир елга, анинг етсун хазони.**

* * *

**Хасга тушган оташни тезлигига қарама,**
**Тез ёниб, тез ўчади уни ўтга санама.**

* * *

**Дили осуда не билсин аламни,**
**Ситам ҳеч кўрмаган билмас ситамни.**

* * *

**Кўздек бир-бирингга бўлма тескари,**
**Лаблардек иттифоқ бўлгил аксари.**

* * *

**Икки лаб бир бўлса, ҳаттоки нафас**
**Улар орасидан осон ўтолмас.**

* * *

**Бир чеҳрада икки кўз чароқлайди,**
**Бир-бирин кўрмайди кина сақлайди.**

* * *

**Гул чеҳра-ю маю ёшлик замони,**
**Буларсиз бўлмасин ҳаёт бир они.**

* * *

**Ҳар ёру дўст эмас вафодор,**
**Билки, ёрдан ёрнинг фарқи бор.**

* * *

**Минг жон бўлсин фидо ул ошнога,**
**Дили мойил бўлса аҳду вафога.**

* * *

**Кимки бўлса ақлга йўлдош,**
**Йиқилганга бўлади қўлдош.**

* * *

**Яхшилиги билан дўстдир дўстларинг,**
**Ёмон бўлса ёвдан не фарқи анинг.**

* * *

**Билимли мард, қўлингдан келса ҳаргиз,**
**Сахийлик кўргизма номардга, эссиз.**

* * *

**Муродсиз ҳаёт ўлимдан ҳам кам,**
**Мурод ҳосил ўлгач, ўлимдан не ғам.**

* * *

**Ҳаёт беш кунлик деб бўлди овоза,**
**Беш кунлик ҳаётни яшагил тоза.**

* * *

**Эртага қолмаса бугунги иши,**
**Бу дунёда яшар шул киши.**

* * *

**Чумолини чўқиб қирар қирғовул,**
**Охир қарчиғайдан ўз ҳоли мушкул.**

* * *

**Замин бошдан-оёқ гар лолазордир,**
**Ялангоёқ юрма, тикони бордир.**

* * *

**Кўриб гардун ишидан айлагил фан,**
**Азим дарё қилур у қатра сувдан.**

* * *

**Агар хунхор ёв-ла айладинг жанг,**
**Раводур қанча кўп қонини тўксанг.**

* * *

**Жумла жондорларга жонбахш хуш ҳаво,**
**Балиқ ҳаётига бўлади бало.**

* * *

**Нечоғлик бўлмасин кеча қоронғу,**
**Кўрсичқон кўзига нур чашмаси у.**

# РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ ИЖОБИЙ

**ХАЛҚАРО АЁЛЛАР ТЕННИС АССОЦИАЦИЯСИ (WTA) ТОМОНИДАН ДУНЁДАГИ ЕТАКЧИ ТЕННИСЧИ АЁЛЛАРНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

Шуниси қувонарлики, аввалги рўйхатда 59 ўринда қайд этилган ҳамюртимиз, ҳозирда мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракетка устаси Оқгул Омонмуродова сўнгги рейтинг жадвалида 50-ўринга лойиқ кўрилди. Ушбу эътирофга Оқгулнинг кейинги пайтларда халқаро турнирларда эришаётган ишончли ғалабалари сабаб бўлди.

# УЧИНЧИ БОСҚИЧ БАҲСЛАРИ

**ФРАНЦИЯДА ТРАМПЛИНДАН САКРАШ БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧ МУСОБАҚАЛАРИ УЮШТИРИЛДИ.**

Ушбу мусобақаларда курраи заминнинг энг кучли спортчилари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Қувонарли жиҳати шундаки, нуфузли турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Екатерина Хилько ва Анна Савкина жуфтлиги дастурдаги синхрон сакраш баҳсларида 45,4 балл жамғариб, бронза медали билан тақдирланишди.

Биринчи ўрин россиялик Наталья Чернова — Ирина Караваева жуфтлигига насиб этган бўлса, Буюк британиялик Катерина Дриспон ва Клейра Райтлар иккинчи ўринни эгаллаб кумуш медалларга сазовор бўлишди.

Июнь ойи охирларида Швейцария ва Испанияда трамплиндан сакраш бўйича Жаҳон кубогининг IV ва V босқич мусобақалари бўлиб ўтади. Ҳозирда ўзбекистонлик спортчилар ушбу нуфузли турнирга тайёргарликни бошлаб юборишди.

# МОСКВАДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

**РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВА ШАҲРИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН СУПЕРКУБОК БАҲСЛАРИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗДАН ИККИ НАФАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.**

Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ушбу мусобақаларда муносиб ҳимоя қилган Сергей Ли ва Рамзиддин Саидовлар турнирнинг бронза медалларини қўлга киритиб, Тошкентга ёруғ юз билан қайтишди.





# БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ҚЎЛЛАРИ БАЛАНД

**ЮРТИМИЗ МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИНИНГ МАРКАЗИ ҲИСОБЛАНМИШ БЕКОБОД ШАҲРИ КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИЛАР МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛАДИГАН НУҚТАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА.**

Жумладан, куни кеча мамлакатимизда илк бор Бекободда WBO Asia—pacific чемпиони унвони учун беллашувлар бўлиб ўтди. Айнан шу йўналишда илгари Бекободда Алишер Раҳимов чемпион бўлган бўлса, Қувончбек Тойғонбаев ўз камарини муваффақиятли ҳимоя қилганди.

«Ўзметкомбинат» бирлашмаси теннис спорти рингида профессионаллар ўртасида яна ҳаяжонли беллашувлар бўлиб ўтди. Бу гал «Фавдул Мунаввар» промоутерлик компанияси, «Меткомбинат», «Шоҳ» меҳмонхонаси ва «Шоҳ суви» савдо маркаси кўмагида етти беллашув уюштирилди. Турнирнинг энг аҳамиятли баҳси эса россиялик ўз мамлакати чемпиони, WBO international унвонининг собиқ талабгори Марсел Қосимов ҳамда Андижон вилоятилик ёш, умидли чарм қўлқоп устаси Зоҳид Худойбердиев ўртасида кечди.

Энди бевосита турнир учрашувлари тўғрисида тўхталадиган бўлсак, дастлабки баҳсда қирғизистонлик ёш боксчилар беллашган бўлса, иккинчи бўлиб рингга андижонлик Фарҳод Орипов ҳамда Таиланд вакили Асани Суваналар чиқишди. Бунда 55 сония ичида Фарҳод ўз рақибини нокаут ҳолатига туширди ва чиройли ғалабага эришди.

Учинчи учрашув ҳам шунга ўхшаш тарзда кечди. Шерзод Мамажонов (Андижон) ва Жамшид Сапоков (Бишкек) баҳсининг иккинчи раундининг дастлабки сонияларидаёқ Сапоков нокаутга учради.

Кейинги беллашувда ҳам жиззахлик Турсунбой Аблякимовга қарши қирғизистонлик Алимбек Бакеев рингга чиқди. Бу гал Т.Аблякимов ўз рақибини учинчи раундда нокаут ҳолатига туширишга муваффақ бўлди.

Таиландлик Саеегсагда Чароенкас ҳамда «майдон эгаси» —бекободлик Абдулазиз Матазимов ўртасидаги учрашув эса энг кескин ва муросасиз беллашувлардан бирига айланди. Зеро, таиландлик чарм қўлқоп устаси профессионал рингда ўтказган 18 та жангнинг 6 тасини нокаут билан якунланган бўлса, Абдулазиз ҳам ютқазмайдиган боксчилар тоифасидан эди. Учрашувнинг бошиданоқ Абдулазизнинг ғалаба қозониши маълум эди. Бироқ, жанг саккизинчи раундгача чўзилди ва яққол устунлиги учун ҳакамлар А.Матазимовнинг қўлини юқорига кўтаришди.

Ниҳоят, ярим енгил вазнда финал титул баҳси ўтказилди ва унда Марсел Қосимов ҳамда Зокир Худойбердиевлар ўзаро рўбарў келишди. Маҳорати нисбатан тенг рақиблар баҳси ишқибозлар учун ҳам катта қизиқиш туғдирди. 12 раундлик баҳснинг аксарият қисмида Марселнинг қўли баланд келган бўлсада, ҳал қилувчи сўнгги дақиқаларда Зоҳид ташаббусни қўлига олиб, кетма-кет аниқ зарбалар бериб рақибини қийин вазиятга туширди ва учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, чемпионлик номига эга бўлди.

Турнир ташкилотчиларининг таъкидлашларича, жорий йилда профессионал боксчилар ўртасида яна учта титул беллашувларини ташкил этиш режалаштирилган. Бунда Осиё, Африка ва Шарқий Европадан профессионал бокс усталари жалб этилади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: профессионал бокс кечасидан лавҳалар.**

**Михаил Ёқубов олган суратлар**

# БОШ СОВРИН КИМГА ТЕГАДИ?

**ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ (ОФК) ҚИТЪАМИЗНИНГ 2008 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ЎТКАЗАЁТГАН ТАНЛОВИДА БОШ СОВРИНГА НОМЗОД СИФАТИДА ТАНЛАНГАН ФУТБОЛЧИЛАР РЎЙХАТИНИ УЧИНЧИ БОР ЯНГИЛАДИ.**

Яқинда жорий этилган қоидага биноан ҳар бир ўйиндан сўнг жамоасига энг катта фойда келтирган футболчининг ўйини баҳолаб бориладди. Шу аснода қитъанинг энг яхши ўйинчиси совринига даъвогар футболчиларнинг рўйхати ҳам тўпланган очкога қараб, ўзгариб боради.

Қувонарлиси шундаки, мазкур рўйхатга киритилган ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Халқаро ташкилот томонидан дастлабки рўйхатга икки нафар ҳамюртимиз — «Қурувчи» футболчилари Темур Копадзе ва Улуғбек Бақоев киритилган бўлса, энди улар қаторига миллий чемпионатимизда тўп сураётган яна икки чарм тўп устаси — «Пахтакор» вакилларидан Зайниддин Тожиев ва Акмал Холматов ҳам қўшилди.

Эътиборлиси шундаки, ўн етти нафар футболчи киритилган мазкур рўйхатда фақатгина Ўзбекистондан тўрт нафар чарм тўп устасининг номзоди кўрсатилган. Ҳамюртларимизнинг рақобатчилари эса Баҳрайн, Сингапур, Эрон, Кувайт, Япония, Сурия, Таиланд, Австралия, Ироқ ва Хитой футболчиларидир.

**Боҳир БЕК**

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

**КЕЧА СИНГАПУРДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ СИНГАПУР ВА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИ УЮШТИРИЛДИ.**

Шуни таъкидлаш жоизки, Ливан, Саудия Арабистони терма жамоаларини мағлуб этиб ўз гуруҳида якка пешқадамлик қилаётган Рауф Инилеев шогирдларидан мухлислар бу сафар ҳам фақат ғалаба кутишгани шубҳасиз. Шу боисми, терма жамоамиз мураббийлари ушбу учрашувга жиддий ҳозирлик кўришди, таркибга мамлакатимиз ва хорижда фаолият кўрсатётган энг иқтидорли чарм тўп усталари жалб этилди. Бу ҳаракат ўзини оқлади. Майдонга ғалаба қозониш иштиёқида тушган футболчиларимиз 90 дақиқа мобайнида тўлиқ устунлик қилишди. Майдонда тўп билан эркин ҳаракат қилиш, тўпни жамоадошига аниқ узатиб майдон марказини эгаллаш, рақиб дарвозасига хавфли ҳужумлар уюштириш борасида мезбонларни доғда қолдирган ҳамюртларимиз беллашувни 7:3 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал этишди ва мухлислари кўнглини шод қилишди. Мезбонлар дарвозасига голларни Жепаров (2 та), Денисов, Копадзе, Карпенко, Шацких, Иброҳимовлар киритишди.

Жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг навбатдаги гуруҳ баҳслари 7 июнда бўлиб ўтади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ЁШ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

**ПОЙТАХТДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА КОРЕЯ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЁШ РАССОМ ДАРИЯ КИМНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.**

Дария Ким тўққиз ёшда. У Тошкентдаги 60-умумтаълим ўрта мактабда тўртинчи синфда таҳсил олади. Ёш бўлишига қарамай юртимизда ўтказилган кўпгина кўргазмаларда юздан зиёд асарлари намойиш этилган.

— Шахсий кўргазмада элликка яқин санъат асарлари намойиш этиляпти, — деди Дария Ким. — Аслида тўрт ёшимдан расм чизаман, ўрганганларимга таяниб келгусида яхши рассом бўлиш ниятидаман.

Дария Кимнинг катта иштиёқи ва ҳавас билан яратган мўъжазгина ижод намуналарини кузатар экансиз, асосан табиат кўринишлари акс этганига гувоҳ бўласиз. Айниқса "Денгиз ҳаёти", "Олифта", "Янги йилингиз билан", "Менинг оилам" ва "Ёмғир, боғ" каби асарларининг ҳар бирида ўзига хос маъно, болаларча беғубор тасаввур мужассам. Ана шундай пок орзу-умидлар билан яратилган бу расмлар келгусида катта санъат асарларининг дунёга келишига туртки бўлса ажаб эмас.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 24 июнь куни соат 11.00 да такрорий бўлиб ўтадиган**
**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

1. **Аукцион савдосига** Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 08.11.2007 йилдаги ЖСК-1-583/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, «БМВ» русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 12.000.000 сўм.

Автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва манзили кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО 00901, ИНН: 200933850, ҳ/р 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т. М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52 www. rkmb . uz

**«VOLD-SERVIS» масъулияти чекланган жамиятининг номи «PREMIUM KLASS BUSINESS»га ўзгаргани ҳолда мулкчилик шакли ҳам ёпиқ акциядорлик жамиятига ўзгармоқда. Барча даъволар бир ой давомида Халқлар дўстлиги кўчаси, 28а-уй манзилида қабул қилинади.**

Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Иттифоқ» номли маданият Маркази ва «Умид» ёшлар студияси жамоалари жамоатчи юристлар ака-ука Улуғбек Абдураҳмонов билан Алишер Маҳсудовларга падари бузрукворлари, истеъфодаги полковник

**Маҳсуд ота АБДУРАҲМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 20 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар бошланғич баҳоси пасайтирилган ҳолда**
**ҚАЙТАДАН ҚЎЙИЛМОҚДА:**

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар К.Ф.Й, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 12-уй манзилидаги «Саидкарим Умарали» МЧЖнинг ҳудудида сақланаётган, давлат рақами 30O55-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус L/X-470» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 106 920 000 сўм.**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 25 декабрдаги ЖСК 1-1184/2007-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, С.Раҳимов туманида жойлашган «Себзор» автотранспорт воситалари жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30C1973 бўлган 1997 йилда ишлаб чиқарилган «DAEMOO LIGANZA» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 13 433 600 сўм.**

**Шунингдек, 2008 йил 20 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 19 июндаги 1-914/06-сонли, ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 127-уйда жойлашган «Тошкентлифт» трести корхонасига тегишли ва шу манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY387 бўлган ГАЗ-52 (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3.119.670 сўм.**

1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AS132 бўлган ГАЗ-52 (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 899 250 сўм.**

1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY389 бўлган ГАЗ-5201 (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 837 800 сўм.**

1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY392 бўлган ГАЗ-52 (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 283 380 сўм**

1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY388 бўлган ГАЗ-93Б (самосвал) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 548 980 сўм**

1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR092 бўлган ГАЗ-52 (вышка) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 157 800 сўм.**

1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AH680 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 207 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-506

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3240 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 . 3 4 5 6

Топширилган вақти: 14.15